**Buxoro davlat universiteti**
**o'quv-metodik kengash 4-sonli**
**yig'ilishining bayonnomasidan**

**KO' CHIRMA**

**29.11.2021** **Buxoro shahri**

**KUN TARTIBI:**

**1. Turli masalalar.**

O'zbek tilshunosligi kafedrasi professori, f.f.d., M.Abuzalova va Lingvistika (o'zbek tili) 2-bosqich magistranti Sh.Islomovalarning barcha ta'lim yo'nalishlari uchun mo'ljallangan "Tilshunoslik va tibbiyot integratsiyasi: tabobatda davo bilan bog'liq paremiologik birliklar" deb nomlangan usuliy qo'llanmani tavsiya etish.

**ESHITILDI:**

**M.Y. Farmanova (kengash kotibasi) -** O'zbek tilshunosligi kafedrasi professori, f.f.d., M.Abuzalova va Lingvistika (o'zbek tili) 2-bosqich magistranti Sh.Islomovalarning barcha ta'lim yo'nalishlari uchun mo'ljallangan "Tilshunoslik va tibbiyot integratsiyasi: tabobatda davo bilan bog'liq paremiologik birliklar" deb nomlangan usuliy qo'llanmani nashrga tavsiya etishni ma'lum qildi. Ushbu usuliy qo'llanmaga: BuxDPI dotsenti, (PhD) N.I.G'aybullayeva va BuxDU, O'zbek tilshunosligi kafedrasi dotsenti, f.f.n. G.Astanovalar tomonidan ijobiy taqriz berilgani ta'kidlandi. Usuliy qo'llanma muhokamasi haqidagi Filologiya fakulteti (2021-yil 15-noyabr) va O'zbek tilshunosligi kafedrasi (2021-yil 10-noyabr) yig'ilish qarori bilan tanishtirdi.

Yuqoridagilarni inobatga olib o'quv-metodik kengash

**QAROR QILADI:**

**1.** O'zbek tilshunosligi kafedrasi professori, f.f.d., M.Abuzalova va Lingvistika (o'zbek tili) 2-bosqich magistranti Sh.Islomovalarning barcha ta'lim yo'nalishlari uchun mo'ljallangan "Tilshunoslik va tibbiyot integratsiyasi: tabobatda davo bilan bog'liq paremiologik birliklar" deb nomlangan usuliy qo'llanma nashrga tavsiya etilsin.

**2.** Ushbu qarorni tasdiqlash universitet Kengashidan so'ralsin.

**O'quv-metodik kengash raisi** **R.G'. Jumayev**

**O'quv-metodik kengash kotibasi** **M.Y. Farmanova**

**Ўзбек тилшунослиги кафедраси профессори Меҳринисо Абузалова ва лингвистика(Ўзбек тили) 2-босқич магистранти Шаҳноза Исломоваларнинг "Тилшунослик ва тиббиёт интеграцияси: табобатда даво билан боғлиқ паремиологик бирликлар" номли қўлланмасига**

**ТАҚРИЗ**

Тил инсонларнинг ўзаро алоқа воситаси бўлиб, яратувчининг инсонга берган бебаҳо неъматидир. Дунёда ҳар бир халқнинг ўз тили унинг бебаҳо бойлиги, ифтихори, нажоти ҳисобланади. Ҳикматли сўзлар, шеъру достонлар, қўшиқлар аввало бирор бир миллатнинг она тилисида дунёга келади. Миллат бор экан, унинг тили ҳам яшайди, тили яшар экан у миллат бошқа миллатлар орасида ўз нуфузи, обрўсига эга бўлади. Ҳар бир халққа ўз тили азиз ва ардоқлидир.

Тилнинг ҳақиқий яратувчиси халқ ҳисобланса ҳам, унинг ўзлигини намоён қилишида олимларимизнинг, шоиру ёзувчиларимизнинг, педагогларнинг ҳамда оммавий ахборот воситаларининг роли ниҳоятда катта. Айниқса, тилшуносларнинг самарали меҳнати туфайли тилшуносликнинг кўпгина йўналишлари бўйича тил тизимидаги кўпгина мунозарали масалалар ўз ечимини топди.

Бугун ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги мақомини мустаҳкамлаш ва амалиётда буни тасдиқлаш, қонун-қоидаларини такомиллаштириш ва муаммоларини ҳал қилиб бориш учун зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда. Бугунги тезкор давр бизга ўз қонун-қоидаларини белгилаб бермоқда. Оламда нафақат ҳар куни, балки ҳар соатда содир бўлаётган воқеа ва ҳодисалар дунё тилларининг ҳар бирига минг-минглаб янги тушунчалар ҳамда уларни ифодаловчи лексик бирликларни олиб кирмоқда. Сўзлар оқимининг асосий қисми махсус терминологик тизимларга тўғри келади. Давр руҳи билан тараққий этаётган ва энг бой захирага эга бўлган соҳалардан бири бу – **тиббиёт терминологиясидир.** Ҳозирда катта тиббиёт қомусий луғатлари уч юз минг ва ундан зиёд терминларни ўз ичига қамраб олади. Бу эса ўз навбатида ушбу терминларни ўрганиш, тартибга солиш ва меъёрлаштириш жараёнларини ўткир ақл-идрок, ўта синчковлик ва талабчанлик билан ташкил этишни тақозо этади.

Икки соҳа – **тилшунослик ва тиббиёт фанларининг ўзаро ҳамкорлиги,** тиббий маданий нутқ, тиббий оммабоп нутқ масалаларига қаратилган мазкур қўлланма аҳамиятли деб ўйлайман. Зеро мутахассис ва номутахассис (тиббиёт ходими – бемор) ўртасидаги мулоқотнинг самарали чиқиши учун тил илмидан бохабарлик ўзаро бир-бирини тушуниш, бир-бирини англашни, мулоқотни муваффақиятли ташкил қилишда самара бериши тайин. Нашрга тавсия этаман.

**БухДУ ўзбек тилшунослиги кафедраси доценти, филология фанлари номзоди Г.Астанова**

**Ўзбек тилшунослиги кафедраси профессори Мехринисо Абузалова ва лингвистика (ўзбек тили) 2-босқич магистранти Шаҳноза Исломоваларнинг "Тилшунослик ва тиббиёт интеграцияси: табобатда даво билан боғлиқ паремиологик бирликлар" номли қўлланмасига**

## ТАҚРИЗ

Бугунги кунда терминологик тизимларнинг шаклланиши ва соҳага хос терминологик луғатларни яратишнинг лингвистик муаммолари билан нафақат тилшунослар, балки профессионал мутахассислар шуғулланади, шунинг учун фанларнинг амалий жиҳатидан муқаррар интеграцияси мавжуд. Ўрганилаётган билим соҳасининг концептуал аппаратига эга бўлиш касбий муваффақият ва терминологик саводхонликнинг юқори даражасига эришишнинг муҳим шартидир. Шифокор жамиятнинг элита қисмига мансуб бўлиб, унинг нутқи меъёрий, коммуникатив, ахлоқий ва эстетик жиҳатларга жавоб бера олиши керак. Барча жаҳон тилларида бўлгани каби ўзбек тилидаги терминларни, атамаларни жонлантириш, шу билан бирга, тиббиёт йўналишлари бўйича ҳам ҳар томонлама қулай бўлган, ўзбек тили қатида мавжуд бўлган атамаларни ҳам муомалага киритиш, умумтилда қўлланиш доирасини кенгайтириш зарурати туғилмоқда. Қайд этиш керакки, тиббиётга доир тушунчаларнинг шаклланиши узоқ ўтмишга бориб тақалади - туркий луғатчилигининг асосчиси Маҳмуд Қошғарийнинг "Девону луғотит турк" асари, эски ўзбек тилига асос солган Алишер Навоий, мемуар асар муаллифи З.М. Бобур ва бошқа ижодкорларнинг бадиий, илмий-бадиий асарлари тиббий терминларининг ривожланишида ўзига хос ўрин тутган манбалар ҳисобланади. Ўзбек тилида тиббий атамаларни ўрганиш ва жамлаш; имкон қадар тиббий терминларни соҳалар бўйича ёки бўлимларга ажратган ҳолда луғат-китобларни нашр қилиш ҳозирги янги Ўзбекистон шароитида тиббиёт терминологиясининг бойиб боришига хизмат қилмай қўймайди. Шунинг тайёрланган ушбу қўлланмани нашрга тавсия этаман.

**БухДУПИ доценти, (PhD) Н.Н.Гайбуллаева**

Mehriniso Abuzalova
Shahnoza Islomova

# TILSHUNOSLIK VA TIBBIYOT INTEGRATSIYASI: TABOBATDA DAVO BILAN BOG`LIQ PAREMIOLOGIK BIRLIKLAR

Usuliy qo`llanma

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O`RTA
MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI

BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI

*Mehriniso Abuzalova, Shahnoza Islomova*

# TILSHUNOSLIK VA TIBBIYOT INTEGRATSIYASI: TABOBATDA DAVO BILAN BOG`LIQ PAREMIOLOGIK BIRLIKLAR

BUXORO – 2021
«DURDONA» nashriyoti

## MUNDARIJA

So`z boshi ........ 3
Milliy qadriyatlarda paremiologik birliklar ........ 6
"Davo", "Salomatlik," "Bemorlik", "Shifo" sirlarini bayon etuvchi xalq paremiologik birliklari ........ 8
"Og`riq" semasini birlashtiradigan o`zbek xalq paremalari ........ 15
"Kasallik", "Dard" bilan bog`liq paremiologik birliklar ........ 16
Hadislar: Payg`ambar tabobati ("Tabobati nabiy") ........ 19
Xalq og`zaki ijodida davo bilan bog`liq aytimlar, hikmatlar, naqllar ........ 34
Xulosa ........ 45
Foydalanilgan adabiyotlar: ........ 46